

**ПЕРУ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ФИЛОГЕНЕТИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА МОРФО-ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

**Б.Х. АМАНОВ, С.М. РИЗАЕВА,
А.А. АБДУЛЛАЕВ**



**ПЕРУ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ФИЛОГЕНЕТИК
МУНОСАБАТЛАРИ ВА МОРФО-ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ**

БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Генетика ва ўсимликлар экспериментал
биологияси институти

Б.Х. АМАНОВ, С.М. РИЗАЕВА, А.А. АБДУЛЛАЕВ,

ПЕРУ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ФИЛОГЕНЕТИК

МУНОСАБАТЛАРИ ВА МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ

ИРСИЙЛАНИШИ

ТОШКЕНТ - 2018
«НАВРЎ» НАШРИЁТИ

КБК 81.12(5ўэБ)7
М 57

УЎТ: 633.511.575.22.2.

Амнов Б.Х., Ризаева С.М., Абдуллаев А.А., Перу ғўза турларининг филогенетик муносабатлари ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши. // Монография. - Тошкент: "Наврўз" нашриёти, 2018. - 188 б.

Ушбу монография ғўзанинг *G. barbadsense* L. туричи хилма-хилликларини туричи ҳамда ёввойи *G. darwinii* Watt тури турлараро билан эволюцион системадаги ўрнини филогенетик қариндошлик даражасини ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганишга бағишланган экспериментлар асосида ёзилган.

Ушбу монографиядан генетиклар, систематиклар, селекцияонерлар, ўсимликшунос олимлар ва талабалар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: академик, А.А.Абдуллаев.

Тақризчилар: б.ф.д. Ж.Ахмедов.

к/х.ф.д., проф П.Ш.Ибрагимов.

Ботаника институти Илмий Кенгашининг 2018 йил 13 июлдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ISBN 978-9943-381-77-3

© «Наврўз» нашриёти, 2018.

КИРИШ

Эволюция жараёнида биологик хилма-хиллик асосий ўринни тутди. *Gossypium* L. туркумининг полиморф турларининг туричи дифференциал классификациясининг ханузгача ечилимаган ва мунозарали масалаларини ҳал этиш, тур, туричи хилма-хилликларининг ўзаро филогенетик муносабатларини ўрганиш, бу кўрсаткичларнинг амалий селекцияда фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқлигини ҳамда алоҳида тур ва шаклларнинг биологик ва хўжалик қимматини ва генофондининг ҳали фойдаланилмаган манбаларини селекция лойиҳаларига жалб этиш имкониятларини аниқлаш-пахтачиликнинг истиқболини белгиловчи долзарб муаммоларидан биридир.

Туричи ва турлараро дуратайлаш қимматли-хўжалик белгиларга эга бошланғич ашёлар яратишда нафақат самарали усул, балки генетик-селекцион жараёнларни жадаллаштирувчи омил ҳамдир. Ҳозирги замон ғўза селекциясининг камчиликларидан бири-ғўза генофондининг дунёвий хилма-хиллигидан етарли даражада фойдаланмаслигидадир.

Перу ғўза турларидан *G. darwinii* Watt сувсизликка ва шўрхоқликка Мауер [1954], Джаникулов [1992], *G. darwinii* Watt, *G. barbadsense* L. ssp. *vitifolium* f. *brasilense*, *G. barbadsense* L. ssp. *vitifolium* f. *drogota* дар ўрчимчакканага, вилтта, гоммозга Мауер [1992], Дариев, Абдуллаев [1985] чидамли ва ниҳоятда майин, узун толали (субтропик шаклларидан Си-айленд 50 мм ва ундан юқори), яъни кўглаб қимматли биологик ва хўжалик белгиларга эга бўлишга қарамасдан, ғўза генофондининг ноёб намуналари қаторида фойдаланилмай келмоқда.

Gossypium L. туркумига мансуб Перу полиморф турларининг ёввойи, рудерал, маданий тропик ва субтропик туричи хилма-хилликларининг бой қимматли биологик потенциалидан фойдаланиш, улар асосида қимматли гермиглазмали донорлар олиш бу турларнинг биоморфологик хилма-хиллигини, уларнинг

мунозарали систематик ва филогенетик муаммоларини, тур ва шакл ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганишни талаб этади.

Мавжуд адабиётлар таҳлили *G. barbadense* L. туричи хилма-хилликларининг, яъни рудерал, маданий тропик, субтропик шаклларининг ва *G. darwinii* Watt турининг генетик потенциалли етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатди. Уларнинг кимматли-хўжалик белгиларига баҳо бериш, селекциядаги имкониятларини аниқлаш, филогенетик қардошлик даражаси асосида ноёб генетик потенциалга эга бўлган бошланғич ашёлар яратиш муаммолари ханузгача ҳал этилмаган. Аксарият ишлар наваларо селекцияга бағишланган бўлиб Автономов [1948, 1973], Максименко [1958], Ибрагимов, Автономов [1993], Кимбсанбоев [2005], Мухиддинов [2005], Чоршанбиев [2005], Перу ғўза турларининг, яъни *G. darwinii* Watt тури, *G. barbadense* L. туричи ва турлараро хилма-хилликлари деярли ўрганилмаган Абдуллаев [1974], Джаникулов [1992, 2002], DeJode, Wendel [1992].

G. barbadense L. турига мансуб кенжа турларнинг ўзаро ҳамда *G. darwinii* Watt тури билан филогенетик қардошлик даражасини аниқлаш ва амалий селекцияда фойдаланиш имкониятларини излашдан иборатдир.

G. barbadense L. нинг ярим ёввойи, маданий-тропик ва субтропик шакллари ҳамда *G. darwinii* Watt турининг морфобиологик ва хўжалик белгиларини ўрганиш;

Туричи, турлараро ва беккросс дурагайларини олиш, олинган дурагай манбаларини генетик таҳлил қилиш;

Туричи ва турлараро биринчи, иккинчи ва беккросс дурагай авлодларининг баъзи морфобиологик ҳамда кимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

G. barbadense L. туричи хилма-хилликларини ўзаро ҳамда *G. darwinii* Watt тури билан турлараро дурагайлаш асосида олинган F_2 , F_1B_1 -ўсимликларида морфобиологик ва кимматли-

хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш натижасида ҳосилдор, толаси узун ва чиқими юқори бўлган шакллар ажратиб олинади.

Туричи ва турлараро дурагайлаш жараёнларини ўрганиш, туричи шаклларининг филогенетик узоқ-яқинлигини, бир-бирига мувофиқлик даражасини аниқлаш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, мавжуд турлар ва шакллардан генетик-селективий тадқиқотларда самарали фойдаланиш истикболини белгилаб беради. Ушбу монографияда берилган материаллардан *Gossurium* L. туркуми систематикаси соҳасидаги изланишларда, амалий генетика ва селекцияда фойдаланиш мумкин.

G. barbadense L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро ва *G. darwinii* Watt тури билан дурагайлаш натижасида олинган F_2 , F_1B_1 -ўсимликлари орасидан ажратиб олинган - ҳосилдор, узун толали ва тола чиқими юқори шакллар генетика ва селекция тадқиқотлари учун бошланғич манба сифатида тавсия этилади.

1-БОБ. ПЕРУ ҒЎЗА ТУРЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК ХИЛМА-ХИЛИКЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИИ ЖАРАЁНИНИ, СИСТЕМАТИКАСИ ВА ФИЛОГЕНЕЗИСНИНГ ЎРГАНИШИ ТАРИХИ.

Gossypium L. туркумига мансуб ғўза турларининг эволюцияси, систематик ўрни, тур таркиби ва филогенетик муносабатларини ўрганиш ҳамда селекцияда фойдаланиши нуктаи назаридан қўллаб изланишлар олиб боришга Gamthie [1903], Watt [1907], Зайцев [1928], Natland [1932, 1935, 1939], Skovsted [1934, 1937], Hutchinson [1939, 1946, 1959, 1962], Проханов [1947], Stephens [1947], Мауер [1954], Saunders [1961], Fugwell [1969, 1971, 1992], Абдуллаев [1974], Уайсек [1978-А, 1978-Б, 1979], Дариев, Абдуллаев [1985], Wendel [1990], Ахмедов [1993], Ли Диуен Анх [1995], Ризаева [1996], Percival, Stewart, Wendel [1999], Abdulkarimov, Djataev, Abdulkarimov [2003], Abdulkarimov, Butiev, Rizaeva, Ertazarova, Abdullaev, Abdulkarimov A. [2004], Abdulkarimov, Kohel, S.Saha, Perret, Yu, Butiev, S.E. Shernatov, Abdullaev, Kushanov, Jenkins, Scheffler, Abdulkarimov [2006], Абдуллаев, Клят, Ризаева, Эрнзарова, Курызов, Арсланов [2006], Abdulkarimov, Kushanov, Djaniqulov, Butiev, Perret, Fayzieva, Mavlonov, Saha, Jenkins, Abdulkarimov [2007], Stelly, Lascare, Dessauw, Kohel, Mergeai, Saha, Sanamyan, Abdulkarimov, Zhang, Wang, Zhou, Frelichowski [2007], Abdulkarimov, Kohel, Yu, Perret, Abdullaev, Kushanov, Salakhutdinov, Butiev, Saha, Scheffler, Jenkins, Abdulkarimov [2008], Campbell, Saha, Percu, Frelichowski, Jenkins, Park, Mayee, Gottmare, Dessauw, Gibrand, Du, Jia, Constable, Dillon, Abdulkarimov, Abdulkarimov, Rizaeva, Battoso, Radua, Hoffmann, Rodolnaya [2010] ва бошқалар. Полиморф ғўза турларининг хилма-хиликлари бў борда кам ўрганилган бўлиб, *G.barbadense* L. туричи хилма-хиликлари деярли ўрганилмагандир.

Ф.М. Мауер [60] фикрича, *Gossypium* L. туркуми политоп-монофелетик келиб чиқишга эгадир. Бўр даврининг иккинчи

ярмид, тахминан 70-100 миллион йил олдин пайдо бўлган ва бир нечта жойда битта ажоддоддан вужудга келган бўлиб, қадимда китъаларга ажралмаган Пангея китъасининг парчаланишидан келиб чиққан ҳамда филогенетик муносабатлари бир-биридан фарқ қилувчи учта марказдан иборат: Эски дунё (*Eugossypium*), Янги дунё (*Karras*) ва Австралия (*Sturtia*). *Karras* кичик туркуми Бўр даврининг охирида, Янги Дунё куруқлиги ажралгандан кейин пайдо бўлган.

Gossypium L. туркумининг тетраплоид турларининг келиб чиқиш эволюция тарихи ҳамма даврларда олимларни қизиқтириб келган. Масалан, L.A. Skovsted [148] ўзининг изланишларидан олинган маълумотларига таяниб, *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларини йирик хромосомали Янги Дунё ва майда хромосомали Эски Дунё турларидан айримларининг ўзаро чагишишидан ҳосил бўлган дурагайларда хромосомаларнинг сонининг қарали ўзгариши натижасида келиб чиққан деган хулосага келган.

Полиплоидизация давридан кейин АД геномли тетраплоид ($2n=2x=52$) турлар - 5 та тетраплоид турлар ҳосил бўлган. Жаҳон пахтачилик бозорида етакчи ўринни эгаллаган *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари шулар қаторига қиради.

Gossypium L. туркумининг аллополиплоид турлари, 4-8 млн йил илгари ҳосил бўлган 2 та диплоид геномли ажоддодларидан 1-2 млн йиллар олдин дивергенция йўли билан пайдо бўлган деган тахминларни қатор олимлар тасдиқлайдилар DeJodie, Wendel [1992], Wendel, Albert [1992], Seelanan T., Schnabel A., Wendel [1997].

L.A. Skovsted [149] *G.barbadense* L. *spp.vitifolium* кенжа турининг генотипини ўрганиб, унинг хромосомалари таркиби А ва Д геномлардан ташкил топганлигини аниқлаган. Бу фикр J.O. Beasley [111], J.B. Hutchinson, R.N. Sillow, S.G. Stephens [132], L.L. Phillips [143], Р.К. Шадманов [98, 99] ларнинг тадқиқотларида ҳам тасдиқланган.

[J.O. Beasley [110, 111], J.F. Wendel, V.A. Albert [162] олиб боришган изланишлари асосида тетрапloid Янги Дунё ғўза турлари қарийб 1-2 млн. йил илгари, «А» геном гуруҳига мансуб *G. herbaceum* L., *G. arboreum* L. вакиллари билан «В» геном гуруҳига мансуб Янги Дунё ғўза турлари *G. raimondii* Ulbrich, *G. gossypoides* (Ulbr.) Standl. вакилларини турлараро дурагайлаш натижасида келиб чиққан деган гипотезани илгари сурадилар.

L.U. Gerstel [123] ва L.L. Phillips [143] лар, ҳозирги полиплоид турларни келиб чиқишида, бир-бирига қардошлик жиҳатдан яқин бўлган ҳозирги *G. raimondii* Ulbrich (Д₅) ва *G. herbaceum* L. (А₁) ўзаро чагишиши сабаб бўлганлигини исботлаганлар.

S.H. Saunders [147] фикрича, *Gossypium* L. туркумининг келиб чиқиш маркази Марказий Африка саналиб, у даврда ернинг климатик ва геофизик шароитлари ҳозиргидан умуман фарқ қилган.

Янги Дунёнинг эндемик АД₂ полиплоид ғўзаларининг келиб чиқишини В.Л. Johnson, М.М. Thein [133] лар шундай тушунтирадилар: аниқ бир даврда диплоид А геномли гуруҳи Д₅ маршрути бўйлаб тарқалиб бориб, деярли Бразилиянинг барча ҳудудларини қамраб олган. Полиплоидизация назарияси бўйича бу маршрут Д₅ протитипининг тўлиқ дифференциясидан сўнг содир бўлиши мумкин эди.

J.F. Wendel, V.A. Albert [162] ларнинг таъкидлашларича, янги Дунёнинг тетрапloid турлари, эски Дунё ғўза турларига А геном цитогенетик гуруҳига тааллуқли *G. herbaceum* L., *G. arboreum* L. (2n=2x=26) турларининг янги Дунё Д геном гуруҳига мансуб *G. raimondii* Ulbrich, *G. gossypoides* Standl. (2n=2x=26) турлари билан табиий турлараро чагишиши натижасида 1-2 миллион йиллар олдин келиб чиққан.

C.L. Brubaker, A.H. Paterson, and J.F. Wendel [113] маълумотларига кўра, *Gossypium* L. туркуми тур хиллари келиб чиқиш маркази Марказий – Ғарбий ва Жанубий Мексика (18 тур), Шимолий – Шарқий Африка ва Арабистон (14 тур) ҳамда

Австралия (17 тур). Бу турлар хромосомаларнинг ўхшашлиги асосида 8 та (А, В, С, D, Е, F, G ва К) геном гуруҳига ажратилган Edwards, Miya [1979], Endrizzi, Turcotte, Kohel [1985], Roehman, Sleger [1995].

А.Ш. Маматъусупов [58] анатомик услублардан фойдаланган ҳолда, А ва АД геном гуруҳига мансуб турларда тола ва туқчаларнинг морфологик асоси ўхшаш бўлишини аниқлаган. Унинг томонидан бу ўхшашлик *G. herbaceum* L. туричи хилма-хилликларида кузатишган, айниқса *ssp. pseudoburkei* f. *hargwa*, АД геномли тетрапloid турларнинг келиб чиқишида иштирок этган барча А ва Д геном гуруҳларининг турларида спермодерманинг парадермал кесимларида тола ва туқчаларнинг морфологик асосларининг аниқ дифференциясини кўриш мумкинлиги таъкидланган.

Илмий адабиётларда Янги Дунё тетрапloid турларининг келиб чиқишида В ва Д геном гуруҳига мансуб турлар иштирок этган бўлиши мумкин деган фикрлар мавжуд, лекин қарши дунёқарашлар ҳам мавжуд. М.А. Омар, А. Абдель-Бари [66] олиб борган тадқиқотларида, В-геномли ёввойи *G. alomatium* Wawtа ет Реув, Д-геномли-*G. thurberi* Tod., АД-*G. barbadense* L. турлари ўзаро чагиштирилган ҳамда олинган гексапloid F₁ дурагайларни цитологик ўрганишлар натижасида, АД-геномли *G. barbadense* L. ва *G. alomatium* Wawtа ет Реув В-субгеноми орасидаги дурагайларнинг цитологик хромосомалари оралиғида кутилаётган 13 та бивалент ўрнига 8 та бивалент, *G. thurberi* Tod. ва *G. barbadense* L. Д-субгеноми орасидаги дурагайда 13 та кутилаётган бивалент ўрнига 11 та бивалент ҳосил бўлиши кузатишган. Уларнинг таъкидлашича, юқорида кўрсатилган дурагайларда цитогенетик тадқиқотларининг натижалари тетрапloid турларнинг келиб чиқишида бу турларнинг қатнашмаганлигини кўрсатади.

Ғўза эволюцияси табиат ва инсоннинг, яъни табиий ва сунъий танланнинг бирлиқдаги натижаси бўлиб, бирламчи

ривожланиш даврида хаотик, режасиз, кейинчалик эса системали равишда ривожланиб борган. Табиий ва сунъий танлаш таъсирида ғўза ўсимлигининг маҳсулдорлиги ошиб, маданий турларнинг тарқалиш ареаллари кенгайиб борган.

Gossypium L. туркуми ботаник олимларнинг доимий назарида бўлиб, ўрганилиш тарихи давомида 25 тадан зиёда таксономик классификациялар тузилган.

Охири йилларда янги турларнинг топилиши, ханузгача туркум таркибига кирувчи Австралия, Афро-Осиё, Америка ёввойи турларининг, полиморф турларнинг туричи биологик хилма-хилликларининг (*G.hirsutum* L., *G.barbadense* L., *G.herbaceum* L., *G.arborescens* L.) кам ўрганилганлиги бу жараённинг тутаматанлигидан далолат беради.

Ќўза турларининг систематикасини катор олимлар атрофлича ўрганганлар, лекин жуда чакаштириб юборганлар. Бунга асосий сабаб. систематик категориялар, таксономик бирликлар кўпчилик томонидан қабул қилинган қоидаларга риоя қилинмаслиқдир. Ќўзани маълум бир системага солиш борасидаги ишлар XVII асрда бошланди. А. Тодато 1863 йил ғўза классификациясининг биринчи схемасини яратган ҳамда секция ва кичик секцияларга ажратган.

С. Ватт [159] классификацияси ғўзанинг барча ташқи белгиларининг ўзгарувчанлигига асосланган бўлиб, уруғ қобийфи, уруғ қобийдаги тук ва тодаларнинг пайдо бўлиши ва барт бўлакчаларининг шакллари каби белгиларни ўз ичига олади. У *Gossypium* L. туркумидаги 10 та тур ва 12 та кенжа турни битта секцияга киритган, аммо эски дунё ғўзаларидан бўлган афро-осиё ва хинди-хитой ғўзаларини битта секцияга киритиб аралаштириб юборган. Узоқ вақтгача бу система, *Gossypium* L. туркумининг ботаник таркиби, филогенетик муносабатлари ва турларнинг келиб чиқиши ҳақида нотўғри тасаввуларнинг манбаи бўлган.

Г.С. Зайцев [34] ғўзани ўрганишда морфология, дурагайлаш ва цитогенетика услубларини қўллаб, *Gossypium* L. туркумининг маданий турларини келиб чиқиш ареалини биринчи бўлиб аниқлаган ҳамда эски дунё ғўзаларини иккита диплоид кенжа гуруҳга ва янги дунё ғўзаларини иккита полиплоид кенжа гуруҳга ажратган. *G.barbadense* L. нинг ёввойи кенжа тури *spp.darwinii* Watt ни *Gossypium* L. туркумидан чиқариб ташлаган.

Г.С. Зайцев [34] Янги дунё ғўзаси-кўп хромосомали турлар *G.barbadense* L. ва *G.hirsutum* L. турларидан иборат деб ҳисоблаган ва уларни кенжа гуруҳлар деб атаган, яъни ўрта Америка, Жанубий Америка кенжа гуруҳлари деб ном берган ва шу масалани ҳал қилишда хатоликка йўл қўйган.

Кейинчалик турли услублар қўлланилиши, ушбу йўналишдаги турли қарашлар *Gossypium* L. туркумининг янги классификацияларини тузилишга олиб келди ва бу системаларда *G.barbadense* L. тури ва унинг хилма-хилликлари ўзига хос таксономик бирлик ҳосил қилди.

Географик, морфологик, цитогенетик, физиологик, турлараро дурагайлаш услубларидан кенг фойдаланган ҳолда, S.C. Naerland [126] *Gossypium* L. туркумини иккита тур ва бешта кенжа турга ажратган ва ўз системасини яратган. *G.barbadense* L. нинг ёввойи кенжа тури *spp.darwinii* Watt ни мустакил тур сифатида ажратган.

J.B. Hutchinson [130] олиб борган тадқиқотлари натижасида, келиб чиқиш марказлари, тур ичида классификациясини соддалаштирган ҳамда *G.barbadense* L. *spp.vitifolium* кенжа турига мансуб шаклларида *fbarsilense* нинг муайян ареалга эга эмаслиги, чигитлари ёпишиб кетганлиги ҳақида маълумотлар келтирган.

Ф.М. Маурнинг [60] 1954 йилда яратилган янги классификацияси, ўша пайтда маълум бўлган Осиё, Африка, Америка ва Австралия континентлари турларини қамраб олган

бўлиб, цитогенетика, генетика, физиология, эколого-географик услублар мажмуасидан фойдаланилган ҳолда тузилган.

Бу классификация олдингиларидан кескин фарқ қилиб, у ўз даври учун *Gossypium* L. туркумининг таркиби ва чегарасини мукаммал, асосланган ва табиий системасидир. *G.barbadense* L. тури янги дунё ғўзаси саналиб, *Gossypium* L. туркумининг *Magnibracteolata* Мауер секциясига киритилган.

Ф.М. Маурнинг [60] классификацияси бироз кейинрок америкалик гео-ботаник олим Р.А. Ғухелл [119] томонидан янада мукаммаллаштирилди.

Р.А. Ғухелл [119] *Eugossypium* Tod. amrl. Мауер кичик туркумини иккита секцияга ажратган (*Gossypium* ва *Pseudeorambak*) ва бешта кичик секцияга (*Gossypium*, *Anomala*, *Thirilla*, *Pseudeorambak*, *Longiloba*) бўлган. Ф.М. Мауер системасини янги турлар билан тўлдириб, *G.barbadense* L. турига кирувчи ёввойи кенжа тури *spr.dawlinii* Watt ни алоҳида мустақил тур сифатида ажратди.

Таъкидлаш лозимки, охиригача йилларда ғўза систематикасини ўрганиш борасида тўпланган бой назарий билимларни таҳлил қилиш, жамлаш, янги топилган тур ва шакллари *Gossypium* L. туркумига киритиш натижасида, эски классификациялардан сон ва таксономик жиҳатлар билан тубдан фарқ қилувчи, янги классификациялар пайдо бўлди. Ғухелл [1992], Рајендган, Јајн [2004], Абдуллаев, Клят [2006].

XX асрнинг охирида илмий экспедициялар натижасида Австралия олимлари ҳамда Р.А. Ғухелл [121] томонидан, олдин маълум бўлмаган 15 та тур топилди ва тавсиф берилди. Ушбу турлар *Gossypium* L. туркумини сезиларли равишда тўлдириб, шу билан бирга систематика ва филогения жиҳатдан туркум таркибида ўзгаришларга сабаб бўлди.

Р.А. Ғухелл [121] янги классификацияси олдингисидан [119] фарқ қилиб, *Gossypium* L. туркумига 49 тур киритилган бўлиб, 4 та кичик туркум, 8 та бўлим, 10 та кичик бўлимлардан

иборатдир. Ушбу янги классификациясида ҳам Р.А. Ғухелл *G.barbadense* L. таркибига кирувчи ёввойи *G.dawlinii* Watt ни мустақил тур сифатида қабул қилган.

Рајендган ва Јајнлар [146] классификациясида ҳам 49 тур келтирилган бўлиб, уч гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳга маданийлашган ва ёввойи тетраплоидли АД геномли; 2-гуруҳга диплоидли А, В, F, D-геномли; 3-гуруҳга-диплоидли С, G, K, E геномли турлар киритилган.

Классик ва замонавий услубларни қўлланган ҳолда, кўп йиллик изланишлар натижасида А.А. Абдуллаев, В.П. Клятлар [7] томонидан *Gossypium* L. туркумининг янги табиий классификацияси тузилди. Унинг таркибига 58 та тур киритилган бўлиб, 4 та кенжа туркум, 10 бўлим, 13 кичик бўлимларга тақсимланган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, N.P. Рајендган, K.C. Јајн [146], А.А. Абдуллаев, В.П. Клят [7] томонидан тақлиф этилган классификацияларда ҳам *G.barbadense* L. таркибига кирувчи ёввойи *G.dawlinii* Watt тури мустақил тур сифатида берилган.

Gossypium L. туркумининг, хусусан *G.barbadense* L. полиморф турининг туричи хилма-хилликларининг филогенетик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар санокўлдир.

А.А. Абдуллаевнинг "Плоиплоид ғўза турларининг эволюцияси ва систематикаси" илмий асарида [1] *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликлари ичида *spr.vitifolium* бошқа кенжа турларига нисбатан алоҳида ўрин тутиши, бarcha морфобиологик белгилари ёввойи шакллarga мос келмаган *spr.dawlinii* Watt, *spr.gledale* кенжа турига қардошлик жиҳатдан жуда яқинлиги, *G.dawlinii* Watt тури *G.barbadense* L. турининг рудерал шаклларида бири эканлиги таъкидланган.

Тадқиқотлар натижасида *spr.dawlinii* Watt ва *spr.gledale* кенжа турлари эволюцион тараққиётда илгариланган белгилarga эга эканлиги аниқланиб, тола ранги, повлар тукланиши ҳамда куннинг узунлигига бўлган таъсиричанлиги

бўйча гетерозиготлилиги аниқланган. Дивергенция натижасида бундай гетерозиготлардан бизгача етиб келган аллополилоидларнинг ёввойи ҳамда рудерал шакллари ривожланган бўлиши мумкин деган гипотеза илгари сурилган.

Ушбу асар *Gossypium* L. туркумининг полилоид турларининг генетик муносабатлари ҳамда селекциядаги имкониятларини очиб беришга асосланган бўлиб, *Magnibracteolata* Maer секциясининг систематикасига оид масалаларини тўлиқ ечмаган. Лекин, полилоид турлар, уларнинг кенжа турлари ўртасидаги қардошлик муносабатларини аниқлаб, полиморф гўза турларининг, туричи вакиллариининг систематикаси ва филогениясига оид муаммоларни ечиш ва ёввойи, ярим ёввойи, маданий тропик хилма-хилликларининг амалий селекцияда фойдаланиш истиқболларини белгилаб беришда аҳамияти бекиёсдир.

А.А. Абдуллаев, В.П. Клыт, С.М. Ризаева, З.А. Эрназарова, З.Б. Курызов ва Д.М. Арслановларнинг [10] гўзанинг ёввойи аждождарининг потенциалли ва уларнинг маданий навларни яратишдаги имкониятларини ўрганиш борасидаги изланишлари натижасида *Gossypium* L. туркуми турларидан генетика ва селекция ишларида унумли фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилган, шунингдек, туричи ва турлараро дурагайлаш натижаларига кўра, ўрганилган турларнинг филогенетик муносабатларини белгилловчи 5 та гуруҳга бўлинган. Жумладан, *G. barbadense* L. туричи хилма-хилликлари 1-2 чи гуруҳга киритилиб, ўзаро яхши чаतिлиши, F₁ да ҳосилдор ўсимликлар ҳосил қилиши, турлараро чаতিштирилганда (AD₁ x AD₂) яхши чаतिлиши, шу билан бирга нисбатан узоқлиги, F₁ авлодлари ҳаётчан, ҳосилдор эканлиги, кейинги авлодларда юқори транскрессия ҳолати кузатилиши таъкидланган.

Ф.Н. Кушанов [51] UPGMA ва NJ ген муҳандислик лойиҳалари асосида ўрганилган тур ва шаклларнинг (*G. hirsutum* L.-Наманган-77 нави, var. *elsalvadot*, var. *magia galante*; *G. barbadense* L.-

ssp. darwinii, Термиз-14 нави) филогенетик дарахтини тузиб чиқишга муваффақ бўлган. Жумладан, кутилгандек *G. barbadense* L. турининг биологик хилма-хиллигига мансуб шакллар генетик структураси бўйича битта кластерга бирилашган.

Хулоса қилиб, *Gossypium* L. туркумининг систематикасига оид ишларнинг таҳлили, бу туркумга кирган кўпгина турларнинг таксономик ўрни мунозарали эканлигини, мавжуд коллекцияларда кўпчилик турларнинг йўқлиги гўза туркумининг систематикаси ва филогенияси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг ҳали туғаманглигини ва давом этишини таъкидлаш лозимдир.

1.2. Перу гўза турларининг амалий селекцияда фойдаланиш имкониятлари ҳақида.

Кўплаб олимлар Зайцев [1924], Канаш [1936], Константинов [1937, 1939], Арутюнова [1936], Высоцкий [1938, 1962], Narland [1939, 1940], Автономов [1948, 1973], Мусаев [1956], Максименко [1958], Бабаев [1963, 1976], Kamel [1956], Абдуллаев А.А., Омельченко [1966], Абдуллаев [1974], Абдуллаев, Лазаева, Ризаева [1972], Худайкулов [1973], Ризаева [1976, 1977, 1993], Абдуллаев, Сайдалиев, Холмуродов [1996], Курызов [2002], Эрназарова [2003] туричи ва турлараро дурагайлаш генетик таҳлили асосида ёввойи, рудерал, маданий тропик шаклларнинг селекциядаги имкониятларини аниқлаганлар.

Ф.М. Мауер [59] (*G. barbadense* L. x *G. thuytveti* Tod.) x *G. arboreum* L. турларини ўзаро чаतिштириб, (AD)₂ D₁ ва A₂ геномларни ўз ичига олган, натижада ота-она турларининг кимматли белги ва хусусиятларини ўзйда мужассамлаштирган дурагай олишга эришган.

А.А. Абдуллаев [2] *G. barbadense* L. турига мансуб Сакель навини ёввойи Янги дунё гўзаси *G. trilobum* билан чаतिштириб олинган дурагайлариди полилоидлаш, яъни хромосомалар

сонини икки баробарга ошириш, қайта бекросслаш натижасида, тола пишқилтиги ота-она шакллариغا нисбатан 25-30 % юқори бўлган навларни яратишга муваффақ бўлингандлигини таъкидлайди. Кўпчилик селекционер олимлар Автономов [1973], Максименко [1958], Бабаев [1976], Худайкулов [1976] ўз илмий изланишларида тур ичида навлараро дурагайлаш асосида янги шакллар олиш, фойдали белги ва хусусиятларга эга бўлган қимматли манбалар олиш мумкинлигини кўрсатиб берганлар.

Д. Ахмедов [19] илмий изланишларида, ингичка толали ва ўрта толали шакллариға мансуб 5 тадан навлар иштирокида турлараро дурагайлаш олиб борган. Олинган дурагайлар ота-она шакллариға нисбатан вилтта чидамлиги бўйича устуңлигини намоён қилган. Ингичка толали ота-она шакллари ҳам вилтта чидамли эканлигини кўрсатган.

G. barbadense L. тури маданий навларининг толасининг сифати юқорилиги, вилтта чидамлиги ва бошқа фойдали белгилари сабабли, доимо генетик-селекционерларнинг эътиборида бўлган.

Олдинги ингичка толали фўза навларининг асосий камчиликларидан бу уларнинг ҳосилдорлигининг пастлиги, кечпишарлиги эди. Кейинги йилларда туричи ва турлараро дурагайлашнинг турли услублари асосида (оддий, кўш, мураккаб, конвергент дурагайлаш ва бошқалар) ингичка толали фўзалар селекциясида катта ютуқларга эришилган [35], [91], [64]. Ҳозирда *G. barbadense* L. навлари тола сифатининг юқорилиги, ҳосилдорлиги (кўсақлар вазни 5,0-7,0 г. гача), эртапишарлиги (вегетация даври-110-115 кун) нисбатан вилтта чидамлиги билан ажралиб туради.

А.Р. Таминов [91] тадқиқотларида, ингичка толали фўза навларининг эртапишарлик ва тола чикими бўйича комбинацион имкониятлари ўрганилиб, ота-она сифатида қуйидаги навлар - 9926-И, 9891-И, Қарши-7, 9883-И, 9872-И, МЛ-108, Қарши-8, Аш-81 ишлатилган. Бу олимлар Қарши-7, МЛ-108,

Қарши-8 ва 9891-И навларини эртапишарлик донорлари сифатида, 9926-И, МЛ-108, Аш-81 навларини эса, тола чикими бўйича донорлар сифатида тавсия этишган.

А. Стойова [151] ўз тадқиқотларида, *G. barbadense* L. ва *G. hirsutum* L. турларига мансуб 40 та нав ва 6 та линиялар ўртасида турлараро чапиштириш олиб бориб, тола чикими ва тола узунлиги генларининг аддитив ва нонаддитив эффекти таъсирида ирсийланишини кўрсатиб ўтган ҳамда амалий селекция учун яхши комбинатор навларни аниқлаган.

В.А. Автономов, А. Кушалиев, Б. Халманов, М. Кимсанбаев, Д. Нормурадов, Д. Ахмедовлар [16] турли фўза намуналарини (С-4727, 02757, 02654, 159-Ф, С-1973 ва 133) ўзаро чапиштириб, олинган F₂-ўсимликларида тола узунлиги билан қимматли-ҳўжалик белгилари орасидаги корреляцион боғланишни ўрганганлар. Тола узунлиги билан тола чикими, битта кўсақдаги пахта вазни, битта ўсимлик ҳосилдорлиги, вегетация даври давомийлиги, биринчи ҳосил шох жойланиш баландлиги белгилари орасида корреляция кузатилмаган. F₂-ўсимликларида юқорида санаб ўтилган белгилар боғланмаган ҳолда ирсийланганлиги сабабли, тола узунлиги юқори бўлган намуналарни танлаш имконияти пайдо бўлган.

Орол муаммоси билан боғлиқ равишда республика ҳудудида экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида, шўрхок ерларнинг кўпайиши генетик ва селекционер олимлар олдинта нафақат қимматли ҳўжалик белгилари, шу билан бирга табиатнинг стресс омиллариға бардошли манбалар яратиш вазифасини ҳам қўяди. Бу борада маълум экотипда тарқалган, табиатнинг турли салбий омиллариға мослашувчанлик потенциялиға эга бўлган ёввойи, рудерал шакллардан селекцияда фойдаланиш яхши натижаларға олиб келиши бир қатор олимларнинг тадқиқотларида исботланган Абдуллаев [1974], Ризаева [1983], Эрназарова [1990], Курыззов [2002], Намазов, Муратов, Бабаев [2006], Ким, Амантурдиев, Бабаев, Ким [2006], Автономов,

Кушалиев, Халманов, Кимсанбаев [2006], Сайдалиев [2006], Эригазрова [2008], Ким, Амантурдиев [2009], Этамбердиев, Этамбердиева [2009] ва бошқалар.

D.R. DeJode, J.F. Wendel [115] лар *Gossypium* L. авлоди тетраплоид *G. tomentosum* L., *G. mustelinum* L., *G. darwinii* Watt ва *G. hirsutum* L. турларининг фотопериодик коллექциялари устида кўйлаб изланишлар олиб борганлар. Жумладан, *Gossypium* L. туркумининг ёввойи ва примитив турларидан кўпчилиги кун узунлигига таъсирчан ва узун кун шароитида умуман гулламаслигини кузатиб, бу эса ҳар хил экзотик турлардан селекция максадларида фойдаланиш учун имкон бермаслигини таъкидлаганлар.

G. barbadense L. туричи хилма-хилликлари ушбу аспектда жуда кам, дярли ўрганилмаган, *G. darwinii* Watt қисман ўрганилган [29], [115].

G. davidsonii var. *sonaricum*, (2n=26), *G. thurberii* (2n=26), *G. hirsutum* L. (2n=52), *G. ticsapridatum* ssp. *purpurascens* var. *guttata*, var. *el salvador*, var. *guayanaense*, var. *oligosperum* ва *G. hirsutum* L. ssp. *glabrum* var. *marie-galante*, (2n=52) *G. darwinii* Watt ҳамда *G. mustelinum* Miq. ёввойи ва примитив турларни ^{60}Co ёрдамида γ -нурлантириш, ^{32}P радиоактив моддасидан фойдаланиб, β -нурлантириш усуллари ҳамда паст частотали электромагнит майдони воситасида 200 га яқин мутант тизмалар яратилган Джаникулов [1992, 2002].

Ф. Джаникулов [29] ўз тажрибаларида *G. darwinii* Watt ва *G. hirsutum* L. турларини шўрланган тулпрокларга чидамлилигини ўрганиб, *G. darwinii* Watt кучли шўрланишга чидамли эканлигини аниқлаган.

Маъжуд адабиётлар таҳлили, *G. barbadense* L. нинг туричи хилма-хилликларининг, яъни рудерал, маданий тропик, маданий навларининг ҳамда *G. darwinii* Watt турининг қимматли-ҳўжалик белгиларига баҳо бериш, селекциядаги имкониятларини аниқлаш, филогенетик кардошлик даражаси асосида ноёб

генетик потенциалга эга бўлган бошланғич манбалар яратиш муаммолари ханузгача ҳал этилмаганлигини кўрсатди. Перу фўза турларининг туричи хилма-хилликларининг генетик потенциалидан амалий селекцияда самарали фойдаланиш имкониятларини излаш ва тақомиллаштириш фўза генетикасининг долзарб муаммоларидан бўлиб, ўз ечимини кутмоқда.

II. БОБ. ТАДЖИКОТ МАНБАЛАРИ, ЎТКАЗИШ МЕТОДЛАРИ ВА ШАРОИТЛАРИ.

2.1. Бошланғич манбалар ва уларнинг морфобиологик тавсифи.

Илмий изланишлар ўзр ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологиси институтининг ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораториясининг вегетация дала тажриба майдонида ва лаборатория шароитида 2006-2008 йиллар давомида бажарилган.

Изланишларда *Gossypium* L. туркумининг *Karras* (Maer) Fux. кичик туркуми полиморф тури *G. barbadense* L. нинг туричи хилма-хилликлари ва *G. darwinii* Watt тури ҳамда тур ичида ва турлараро дуратайлаш натижасида олинган F₁, F₂ ва F₁B₁-ўсимликлари манба сифатида ишлатилди.

Ф.М. Мауер (60) ва Р.А. Фухелл [121] системаларидан фойдаланилди:

Туркум. *Gossypium* L.

Кенжа туркум. *Karras* Raf. amrl. m.

Секция. *Magnibracteolata* Tod. em. m.

Тур: *G. barbadense* L.

Кенжа тур ва шакллари: *spr. ruderale* Maer,

f. risco, *f. rapnat*, *f. shan nigra* (оқ толали),

f. shan nigra (новвотранг толали).

Кенжа тур ва шакллари: *spr. vitifolium* (Lam) Maer.

f. brasiliense (қизил повли), *f. brasiliense*.

Кенжа тур ва шакллари: *spr. eubarbadense* Maer.


Аш-8, Қарши-8 навлари

Тур: *G. darwinii* Watt.

G. barbadense L. турининг туричи хилма-хилликларининг ва *G. darwinii* Watt турининг географик тарқалиши харитада келтириб ўтилган (1-расм).

G. barbadense L. кенжа турлари, шакллариининг ҳамда *G. darwinii* Watt турининг, туричи ва турлараро F₁-

ўсимликларининг морфобиологик тавсифлари ва расмлари 1-14 иловаларда келтирилган.



1-расм. — *G. darwinii* Watt; — *G. barbadense* L. ssp. *ruderale*; — *G. barbadense* L. ssp. *vitifolium*.
Перу ғўза турларининг туричи генетик хилма-хилликларининг географик тарқалиши

G. barbadense L. тури туричи шакллариининг морфобиологик
ва хўжалик белгиларининг тавсифи

G. barbadense ssp. *ruderale* f. *risco*

Рудерал (ярим ёввойи) шакл.

Ўсимлик тупи тик ўсувчан, кўп йиллик ўсимликлари бутасимон, барглари ўртача зичликда жойлашган, асосий пояннинг бўйи 90,0-125,0 см, ўртача антоцион қизаришта эта, қучсиз туқланган баъзан туксиз бўлади. Бўғинларнинг умумий сони 26-30 та, чекланмаган, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 14-23 бўғинда, моноподиал шоҳлар сони (m) 12-16 та, симподиал шоҳлар сони (s) сони 8-10 та, 2-3 типта мансуб.

Барги ўртача (12,0 x 15,0 см) катталиқда, тўқ яшил, 3-5 ўймали, туқланиши қучсиз, нектардонни 3 та, думалоқ, рангсиз, барг банди 12 см, баргнинг асосий томирлари ва барг банди қучсиз антоцион қизаришта эта.



Гули ўртача катталиқда, кенг очилувчан, гулбанди узунлиги 2,0 см, гулёнбаргчаси 3 та, юраксимон, учки қисми 4-10 та тишчали (0,3-1,5 см), ўртача антоциан қизаришга эга, ташқи нектардонлар 3 та, ички нектардони йўқ, гулкосачабарги тўлқинсимон, оч яшил, Гултожибарги 5 та (5,5-6,0 см), тўлқинсимон, сарик, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлари ва чанг дончалари тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 1,0-1,5 см туртиб чиққан.

Кўсаги майда, тўқ яшил, тухумсимон, нотекис чуқурчали, ўткир учли, сирти госсипол безчалари билан қопланган, 3 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахта вазни 1,2-1,8 г, чигитлари майда, тухумсимон, толаси новотранг.

Биологик ва ҳужалик хусусиятлари. Ўсимлик қиска кунга талабчан, мезоксерофит, барча органлари госсипол безчалари билан қопланган, кўрфоқчилик ва касалликларга чидамли.

G. barbadense ssp. ruderdale f. ragnat.

Рудерал (ярим ёввойи) шакл. Тик ўсувчи, барглари ўртача зичликда жойлашган, асосий поянинг бўйи 110,0-130,0 см, ўртача антацион қизаришга эга. Бўғинлар умумий сони 25-30 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 14-20 бўғинда, моноподиал шохлар сони (m) 2-6 та, симподиал шохлар сони (s) 12-15 та, бўғин оралиғи 1,0-8,0 см.

Барги ўртача катталиқда (11,0-20,0 см), тўқ яшил, 3-5 бўлмали, туқланиши кучсиз, нектардони 3 та, думалок, рангсиз, барг банди узунлиги 12,0-14,5 см, ўртача антацион қизаришга эга.

Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гулбанди узунлиги 1,0-1,5 см, гулёнбаргчаси 3 та юраксимон, учки қисми 5-12 тишчали (0,2-1,5 см), гулёнбарг ташқи нектардонлари 3 та, думалок, рангсиз, ички нектардони йўқ, гулкосачабарги тўлқинсимон, оч яшил, гултожибарглари 5 та, (5,0-6,0 см),



тўлқинсимон, оч сарик, гулбарг юза қисми аниқ кўринувчан госсипол безчалари билан қопланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг дончалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,5-1,2 см туртиб чиққан

Кўсаги Майда, тўқ яшил, тухумсимон, ўткир учли, сирти госсипол безчалари билан қопланган, 3-4 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахтанинг вазни 1,4-2,3 г, чигитлари майда, тухумсимон, қаттиқ "тошсимон" қобикли, толаси новотранг.


Биологик ва ҳужалик хусусиятлари. Ўсимлик қиска кунга талабчан, барча органлари госсипол безчалари билан қопланган. Кўрфоқчиликка ва иссиққа чидамли.

G. barbadense ssp. ruderdale f. ishan nigra (оқ толали)

Рудерал (ярим ёввойи) шакл. Тик ўсувчи, асосий поянинг бўйи 100,0-120,0 см, ўртача антацион қизаришга эга, кучсиз туқланган. Бўғинлар умумий сони 28-30 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 25-29 бўғинда, моноподиал шохлар сони 12-18 та, симподиал шохлар сони 4-8 та, бўғинлар оралиғи 3,5-5,0 см.

Барги ўртача катталиқда (12,0 x 18,0 см), тўқ яшил, 3-5 бўлмали, туқланиши кучсиз, нектардони 3 та, думалок, рангсиз, барг банди узунлиги 10,0-12,0 см, ўртача антацион қизаришга эга.

Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гулбанди 1,0-2,0 см, гулёнбаргчаси 3 та юраксимон, учки қисми 6-13 тишчали (0,3-1,8 см), гулёнбарг ташқи нектардон 3 та, думалок, рангсиз, ички нектардони йўқ, гулкосачабарги тўлқинсимон, оч яшил, гултожибарглари 5 та (4,5-5,0 см), тўлқинсимон, оч сарик, гулбарг юза қисми аниқ кўринувчан госсипол безчалари билан қопланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси



цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг доначалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,5-1,5 см.

Кўсаги майда, тўқ яшил, тухумсимон, ўткир учли, сирти госсипол безчалари билан қопланган, нотекис чуқурчали, 3 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахта вазни 1,0-1,9 г, чигитлари йирик, чигитнинг юза қисми тўқ билан қопланган, тола ранги оқ.


Биологик ва хўжалик хусусиятлари. Ўсимлик қиска кунта талабчан, гоммозга, курғоқчиликка, қишлоқ хўжалик касалликларига чидамли.

***G. barbadense* ssp. *rudemale* f. *ishan nigeta* (новотранг толали).**

Рудерал (ярим ёввойи) шакл. Тик ўсувчи, асосий поянинг бўйи 80,0-110,0 см, барглари ўртача зичликда жойлашган, ўртача антацион қизаришга эга. Бўғинларлар умумий сони 20-25 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 16-19 бўғинда, моноподиал шохлар (m) 15-20 та, симподиал шохлар (s) 4-7 та. Бўғинлар оралиғи 4,0-4,5 см.

Барги ўртача катталиқда (10,0 x 16,0 см), тўқ яшил, 3-5 бўлмалли, кучсиз тукланган, нектардони 3 та, думалок рангсиз, барг банди узунлиги 12,0 см, ўртача антацион қизаришга эга.

Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гул банди узунлиги 1,3-2,2 см, гулёнбаргчаси 3 та, юраксимон, учки қисми 5-11 та тишчали (0,4-1,6 см), гулёнбаргнинг ташқи нектардони 3 та, думалок, рангсиз, ички нектардони йўқ, гултожибарглари 5 та (5,0-5,5 см), тўлқинсимон, оқ сарик, гулбарг юза қисми аник кўринувчан госсипол безчалари билан қопланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг доначалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,4-0,6 см.



Кўсаги ўртача катталиқда, яшил, конуссимон, ўткир учли, сирти госсипол безчалари билан қопланган, кенг очилувчан, 3-4 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахтанинг вазни 1,3-2,0 г, чигитлари ўртача, толаси новотранг.

Биологик ва хўжалик хусусиятлари. Ўсимлик қиска кунта талабчан, гоммозга, курғоқчиликка, қишлоқ хўжалик касалликларига чидамли.

***G. barbadense* ssp. *vitifolium* f. *brasiliense* (қизил пояли)**

Маданий тропик шакл. Тик ўсувчи, барглари ўртача зичликда жойлашган, асосий поянинг бўйи 70,0-120,0 см, кучли антацион қизаришга эга. Бўғинларлар умумий сони 20-25 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 12-16 бўғинда, моноподиал шохлар (m) 3-7 та, симподиал шохлар (s) 20-26 та, бўғинлар оралиғи 4,0-4,5 см.

Барги ўртача катталиқда (10,0 x 16,0 см), кучли антацион қизарган, 3-5 бўлмалли, кучсиз тукланган, нектардони 3 та, думалок рангсиз, барг банди узунлиги 12,0 см, кучли антацион қизаришга эга.

Гули ўртача катталиқда, гул банди узунлиги 1,2-2,5 см, гулёнбаргчаси 3 та, учки қисми 7-10 та тишчали, кучли антацион қизаришга эга, гулёнбаргнинг ташқи нектардони 3 та, думалок, рангсиз, ички нектардони йўқ, гултожибарглари 5 та (5,0-5,5 см), тўлқинсимон, оқ сарик, гулбарг юза қисми аник кўринувчан госсипол безчалари билан қопланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг доначалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,4-0,6 см туртиб чиққан.

Кўсаги ўртача катталиқда, яшил, конуссимон, ўткир учли, учки қисми кучли антацион қизарган, сирти госсипол безчалари



билан қолланган, кент очилувчан, 3-4 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахтанинг вази 1,2-2,5 г, чигитлари ўртача, тухумсимон, қаттиқ "тошсимон" қобикли, тола ранги оқ.

Биологик ва хўжалик хусусиятлари. Ўсимлик қисқа кунга талабчан, қурғоқчиликка, қишлоқ хўжалик касалликларига чидамли.

G. barbadense* ssp. *vitifolium* f. *brasiliense

Маданий тропик шакл. Тик ўсувчи, барглари ўртача зичликда жойлашган, асосий поянинг бўйи 80,0-90,0 см, кучли антацион қизаришга эга. Бўғинларлар умумий сони 26-28 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 17-19 бўғинда, моноподиал шохлар (m) 2-4 та, симподиал шохлар (s) 20-26 та.

Барги ўртача катталиқда (10,0 x 16,0 см), кучли антацион қизарган, 3-5 бўлмали, кучсиз туқланган, нектардони 3 та, думалоқ рангсиз, кучли антацион қизаришга эга.



Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гулбанди узунлиги 1,0-2,0 см, гулёнбаргчаси 3 та, юраксимон, учки қисми 8-12 та тишчали (0,2-1,0 см), кучли антацион қизаришга эга, гулёнбаргнинг ташқи нектардони 3 та, думалоқ, рангсиз, ички нектардони йўқ, гулкосачабарги тўлқинсимон, кучли антацион қизаришга эга, косачабарг нектардони йўқ, гултожибарглари 5 та (4,0-4,5 см), оч сарик, гулбарг юза қисми аниқ кўринувчан госсипол безчалари билан қолланган, асосида тўқ қизил доғи йўқ, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг дончалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,2-0,3 см туртиб чиққан.

Кўсаги ўртача катталиқда, конуссимон, ўткир учли, учки қисми кучли антацион қизарган, сирти госсипол безчалари билан қолланган, 3-чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахтанинг вази 1,0-2,5 г, чигитлари ўртача, тухумсимон, қаттиқ "тошсимон" қобикли. Чигитлари бир-бири билан ёпишиб кетган, қўл билан ажратиш қийин, тола ранги оқ.

Биологик ва хўжалик хусусиятлари. Ўсимлик қисқа кунга кучли талабчан, барча органлари госсипол билан қолланган.

G. barbadense* ssp. *eubarbadense

«Қарши-8» нави

Маданий субтропик шакл. Тик, компакт, барглари ўртача зичликда жойлашган, асосий поянинг бўйи 70,0-80,0 см, йиғиқ, бўғинлар умумий сони 20-25 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 3-4 бўғинда, моноподиал шохларнинг сони 1 та, симподиаларнинг 18-22 та, бўғинлар оралиғи 3,0-6,0 см.

Барги ўртача катталиқда (10,0 x 16,0



см), яшил, 3-5 бўлмали, туқланиши кучсиз, нектардони 1 та, думалоқ, рангсиз, барг банди 12,0 см, ўртача антацион қизаришга эга.

Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гул банди 2,0-4,0 см, гулёнбаргчаси 2 та, юраксимон, учки қисми 6-12 тишчали (0,2-2,0 см), гулёнбарг ташқи ва ички нектардони йўқ, гулкосачабарги тўлқинсимон, оч сарик, гулбарг юза қисми аниқ кўринувчан госсипол безчалар билан қолланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг дончалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,3-0,5 см туртиб чиққан.

Кўсаги тўқ яшил, тухумсимон нотекис чуқурчали, ўткир учли, сирти госсипол безчалари билан қолланган, 3-4 чанокли.

Битта очилган кўсақдаги пахта вазни 2,2-3,2 г, чигитлари ўртача катталиқда, тола ранги оқ.

Биологик ва ҳўжалик хусусиятлари. Ўсимлик қисқа кунга талабчан эмас, эртапишар, ҳосилдор.

G. barbadense ssp. *eubarbadense*

«Аш-8» нави

Маданий субтропик шакл. Тик, тарвақайлаган, барглари ўртача зичлиқда жойлашган, асосий поянинг бўйи 60,0-110,0 см, ўртача антацион кизаришга эга, кўчсиз туқланган, бўғинлар умумий сони 16-24 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 4-6 бўғинда, моноподиал шохлар сони 4-5 та, симподиал шохлар сони 22-24 та, бўғинлар оралиғи 4,0-6,0 см.

Барги ўртача катталиқда (10,0 x 19,0 см), яшил, 3-5 бўлмали кўчсиз туқланган, нектардони 3 та, думалоқ, рангсиз, барг банди 10,-12,0 см ўртача антацион кизаришга эга.



Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гулбанди 0,5-2,5 см, гулёнбаргчаси 3 та, юраксимон, учки қисми 5-10 та тишчали (0,2-1,0 см), гулёнбаргининг ташқи нектардони 3 та, думалоқ, рангсиз, ички нектардони йўқ, гулкосачабарглари тўлқинсимон, оч яшил, гултожибарглари 5 та оч сарик, гулбарг юза қисми аниқ кўринувчан госсипол безчалари билан қопланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг доначалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,5-1,0 см туртиб чиққан.

Кўсаги ўртача катталиқда, тўқ яшил, нотекис чуқурчали, туҳумсимон, ўткир учли, сирти госсипол безчалар билан қопланган, 3-4 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахта вазни 2,8-4,0 г, чигитлари ўртача катталиқда, тола ранги оқ.

Биологик ва ҳўжалик хусусиятлари. Ўсимлик қисқа кунга талабчан эмас, эртапишар, ҳосилдор.

G. darwinii Watt.

Ёввойи шакл. Тик ўсувчи, барглари ўртача зичлиқда жойлашган, асосий поянинг бўйи 70,0-100,0 см, ўртача антацион кизаришга эга, бўғинлар умумий сони 18-25 та, биринчи симподиал ҳосил шохи (hs) 10-15- бўғинда, симподиал шохлар (s) 20-26 та, бўғин оралиғи 3,0-5,0 см.

Барги ўртача катталиқда (12,0 x 18,0 см), тўқ яшил, 3-5 бўлмали, кўчсиз туқланган, нектардони 3 та, думалоқ рангсиз, барг банди узунлиги 10,0-14,0 см, ўртача антоцион кизаришга эга.



Гули ўртача катталиқда, ўртача очилувчан, гул банди узунлиги 1,0 см, гулёнбаргчаси 3 та, юраксимон, учки қисми 8-12 та тишчали (0,3-1,8 см), кўчсиз антоцион кизаришга эга, гулёнбаргининг ташқи нектардони 3 та, думалоқ, рангсиз, ички нектардони йўқ, гулкосачабарги тўлқинсимон, оч яшил, косачабарг нектардони йўқ, гултожибарглари 5 та (4,5-5,0 см), тўлқинсимон, сарик, гулбарг юза қисми аниқ кўринувчан госсипол безчалари билан қопланган, асосида тўқ қизил доғи бор, оталик устунчаси цилиндрсимон, чангдонлар ва чанг доначалар тўқ сарик ранг, оналиги уч устунчали, оталик устунчасидан 0,2-0,5 см туртиб чиққан.

Кўсаги ўртача катталиқда, тўқ яшил, туҳумсимон, нотекис чуқурчали, ўткир учли, сирти госсипол безчалари билан қопланган, кенг очилувчан, 3-4 чанокли. Битта очилган кўсақдаги пахтанинг вазни 1,2-2,6 г, чигитлари ўртача, туҳумсимон, қаттиқ “тошсимон” қобиқли, тола ранги хира оқ.

Биологик ва ҳужалик хусусиятлари. Ўсимлик қисқа кунга талабчан, барча органлари госсипол безчалари билан қопланган, курғоқчиликка, шўрхоқка чидамли.

2.2. Тажрибаларни ўтказиш методлари ва шароитлари.

G. barbadense L. нинг туричи генетик хилма-хилликларининг ва *G. darwinii* Watt турининг фотопериодга талабчанлиги турлича бўлганлиги сабабли, бир хил пайтда гулга кириши ва гуллаштини таъминлаш ҳамда чагиштириш ишларини олиб бориш мақсадида сунъий қисқа кун шароитлари яратилди. Биз тажриба учун олган туричи шакллари қисқа кунга қучли талабчан бўлганлиги учун, Вагнер челақларида, махсус фотопериодик уйчалар остида қисқа кун шароитида (10 соатлик ёруғлик) ўстирилиб, парвариш қилинди. Туричи генетик хилма-хилликларида чагиштириш ишлари умумий қабул қилинган услуб асосида олиб борилди.

G. barbadense L. туричи шаклларининг, *G. darwinii* Watt турининг чиғитлари майда, бир-бирига ёпишиб кетганлиги, қаттиқ "тошсимон" қобилилиги учун, тўғридан-тўғри очик дала шароитида экиб ўстириш қийин. Шундан келиб чиққан ҳолда, аввалгига уруғларни тез ундириш мақсадида микропиляр қисми кесилиб, дистилланган сувда ювилиб, фильтр қотози кўйилган Петри косачасида (часка) 30-35°C иссиқликдаги термостатда 24 соатга кўйилди. Термостатда униб чиққан уруғларни 1:1:1 нисбатда гўнг, тулпрок, кум аралаштирмаси солиб тайёрланган қотоз идишчаларга феврал ойининг охири март ойининг бошларида экилди. Гўза кўчатлари (ота-она шакллари, F₁-ўсимликлари) 2-3 чинбарг ҳосил қилгандан сўнг Вагнер челақларида қайта экилди. F₂-ўсимликлари тўғридан-тўғри очик тажриба даласида ва F₁-ўсимликлари бутун вегетация давомида Вагнер челақларида махсус фотопериодик уйчаларда ўстирилди.

Вегетация даврининг охирида бошланғич манбалар, F₁ ва F₂-ўсимликларининг морфобиологик белгиларига (асосий пояннинг бўйи, ранги, туқланиши, асосий поядаги бўғимлар сони, уларнинг

узунлиги, шохланиш типи (симподиал, моноподиал), барг ва шохларнинг асосий пояда жойланиши, биринчи ҳосил шохининг жойлашиши, барг шакли, ранги, туқланиши, барг ширадонларининг сони, шакли, ранги, гулёнбарглар сони, шакли, ранги, ўлчам, тишчаларнинг сони, гулкосачабарглар шакли, ранги, гултожибарглар ранги, сони, узунлиги, кенглиги, асосида доғнинг бор ёки йўқлиги, чанг устунчасининг ҳолати, ранги, кўсак шакли, катталиги, узунлиги, ранги, кўсак юзасининг характери, чаноклар сони, чиғитнинг шакли, туқланиши) махсус классификатор асосида тавсиф берилди [53].

